***Кўп асрлик тарихга ва бебаҳо маданиятга эга, қанчадан-қанча буюк зотларга таълим-тарбия берган Хива шаҳри бутун дунёга маълум ва машҳур табаррук маскандир.***

***Ислом КАРИМОВ.***



## Хива — 2500

***Парижда Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган тантаналар бўлганда «Буюк ипак йўли» театрлаштирилган томошани французлар зўр ҳаяжон билан кутиб олишди. Ҳатто улардан бир нечтаси томоша тугагандан кейин саҳнага чиқиб, артистларимизни ўраб олишди. «Хива шунақа гўзалми?» деб сўрашди кўзлари ёниб. «Ҳа гўзал», дейишди. «Париждан ҳамми?» «Ҳа, Париждан ҳам» дейишди ҳамюртларимиз.***

***Ана ҳайрат!***

***Ана муҳаббат!***

***Парижгача босилган йўл жуда олис эди. Беруний бобомизнинг ёзувларига қараганда илк ўтов, илк қўналға Хоразм тупроғига эрамиздан аввалги 1292 йилда, яъни 3285 йил аввал тикланган экан. Хиванинг ноёб меъморий ёдгорлиги Ичан қалъа ЮНЕСКОнинг тасарруфига ўтиб жаҳон маданий мероси рутбасига эса 1990 йилда эришди!***

# ОСМОНДАН ТУШГАН ЮЛДУЗ

## (Эссе)

... Олис йўллардан карвон келади. Ҳорғин, кимлардандир ризо, кимлардандир норизо карвон келади.

... Сом ибн Нуҳ (Оллоҳ раҳматига олсин) қабиласини бепоён қумликлардан олиб ўтар эди. Одамлар чарчаган, чанқаган, лекин барча Сомга ишонади. У одамларни тақдир исканжасига ташлаб қўймаслигига ишонадилар. Чўлдан ўтиш бир нав, аммо қайтишчи?

Чўл узра тун лардасини ёя бошлади. Карвон оҳиста тўхтади. Борини тамадди қилди. Бир-икки қултумдан сув ичди. Барча оғир уйқуга кетди. Фақат Сом ибн Нуҳ бедор: «Қаёққа борамиз, қаёндан қайтамиз?». Уйқусида ҳам шу ташвишда бўлди. Қараса бир тўда отлиқлар келаётир. Қўлларида машъала. «Ё тангрим, — пичирлади Сом, — бу қандай кароматинг бўлди?». Аскарлар худди Сом бош қўйган ерга келиб ғойиб бўлишди. Ерга кириб кетишдими, осмонга учиб кетишдими, номаълум. Сом чўчиб кўзини очди. Шукроналар қилиб, худди ўша ерга қозиқ қоқди. Қайтар чоғида эса қозиқ ўрнида қудуқ кавлади. Кавлайверди, кавлайверди, ана ниҳоят сув кўринди. Қудуқ тўлиб-тошди. Сом кўзларида ёш билан сувдан ичди.



— Ҳей ваҳ! — дея ҳайқирди у. — Ҳей ваҳ, қанчалар лаззатли.

Қабила қудуқни қум кўммасин дея атрофини саксовул билан ўради. Йиллар ўтди, қудуқ атрофи обод бўлаверди. Сувни ер қайта шимиб кетмаслиги учун созоқ ва сўзондан яхшилаб ўриб, девор қилиб чиқдилар. Тош билан мустаҳкамладилар. Айтишларича қудуқнинг тубида созоқ ва сўзон ўримлари ҳозир ҳам бор экан. Айтишларича ҳозир ҳам қудуққа қараб «ҳей ваҳ» деб қичқирсангиз, унда бир юлдуз аксланар экан. Бу Сом ҳазратларининг чеҳраси дейишади.

... Карвоннинг илк одами Хива шаҳрининг тамал тошини қўйган Сом ибн Нуҳдир.

... Олис йўллардан карвон келади...

Қаерда намлик бўлса, ўша ерда ҳаммаёқ обод бўлади. Чаманга бурканади. Хива сўзининг биринчи бўғинидаги «хи» нимани англатади? Эй, қўйсангчи, деяпсизми? Қадим хоразмча ва форсийда бу намлик дегани. Хива сув ёқасидаги шаҳар демакдир. Беруний ҳазрат ёзадики, Хива дарё бўйида эмас, қумларда барпо этилган, қудуқ яқинида бўлган. Лекин ўжар, асов Амударё ўзанини ўзгартирганидан сўнг, Хива яқинидан оқа бошлаган. Хоразм ва Журжонга мангу ҳаёт бахш этган.

Дарё ва қум. Бири тошса, Хива аҳлини қумликлар сақлайди. Бирида жазирама авжига чиқса, дарё ҳовучида онадек сув тутган.

... Карвоннинг яна бир аъзоси Абу Райҳон Берунийдир.

... Олис йўллардан карвон келади...

Хивани кўриб унга маҳлиё бўлмаган одам бормикин? Дунёнинг етти мўъжизаси бор дейишади. Миср эҳромлари, Эрам — Семирамида боғлари, Родосдаги Зевс ибодатхонаси, афсонавий Тожмаҳал, инкларнинг Қуёш эҳроми... Хива ҳам шулар жумласидан. Мабодо етти ҳисоби етмаса Хива инсониятнинг биринчи мўъжизаси дегим келади.

Ичан қалъада 54 та ёдгорлик бор. Уларнинг ёшини сўрайсизми? Жума масжиди минг йиллик тарихга эга. Қалъа деворининг баландлиги 12 метр. Қалинлиги 4 метр, узунлиги 6400 метр бўлган экан. Хўш, бу мўъжиза эмасми? Арабхон, Шерғозихон мадрасалари-чи?! Уларни бизга маълум, номаълум бўлган меъморлар тиклаган.

... Карвоннинг иззатли йўловчилари бўлиб меъморлар, усталар келишмоқда.

... Олис йўллардан карвон келади...... Исломхўжа минораси 1908-1910 йилларда (эътибор беринг, 2 йилда) тикланган. Унинг узунлиги 57 метр. Уста Эшмуҳаммад, уста Болта, уста Мадрим, уста Рўзиматлар қўли билан бунёд этилган. У Марказий Осиёда энг гўзал обида деб тилган олинади. Не-не бўёқларнинг рангини ўчирган қуёш ҳам минорага келганда ожизлик қилган чоғи, ҳамон ялтиллаб кўзни олгудек товланиб турибди. Ҳатто, Парижда ҳам: «Бизнинг Эйфел Шарқда ҳам кўринса керак», дейишар экан. Ҳазилми чинми билмадим.

Лекин, жаноблар, минораи Калон билан Исломхўжа минорасини сизлар кўпроқ кўрсангиз керак!

Калта минор эса Муҳаммад Аминхон ўлгандан кейин тўхтатиб қўйилган эди. Эл орасидаги афсонага кўра эса уни қурган меъмор хон қизини севиб қолибди. Қизнинг устага кўнгил бергани, уста билан учрашганидан огоҳ бўлган хон қизини баланд бир кўшкка қамабди, устани ўлимга буюрибди. Уста туни билан ўзига қанот ясаб саҳарда Зуҳро юлдузи сари учиб кетган экан. Шу-шу минора чала қолган экан. Лекин у чалалигида ҳам ниҳоятда фусункор.

Боғчаҳовузнинг ҳам ўзига хос тарихи бор экан. Абулғозихон кўп жабр-жафоларни бошидан кечириб (акалари Хабаш Султон ва Элборссултон ҳужумидан кейин Урганчдан Хивага қочади. Хивада акаларига қарши юриш қилиб, енгилади. Тошкентга келади. Хивага юртини соғиниб, қайтгач, акалари томонидан ҳибсга ташланади. Қочиб, Оролбўйига келади. Аввал Қўнғирот, кейин Хивани эгаллайди. Хон бўлгач бирталай мадрасалар қурдиради, каналлар қаздиради. Янги Урганчга пойдевор қуради. Буюк тарихчи ва шоир Муниснинг ёзишича, «У киши инсофли ва диёнатли хон эдилар. 60 ёшга етганларида тахтдан воз кечиб, ўғиллари Анушахонга бердилар». Анушахон ҳам отаси сингари қурилишга эътибор берди. У қурдирган ҳаммомни эсланг. Бир донагина шам билан исиган экан. Ё тавба, қандай уста уни бунёд этди экан? Билсангиз Хивада 14 та катта ҳовуз, ўнлаб кичкина ҳовузлар бўлган. Улар Қизилқум ўртасидаги Хива ҳароратини бир маромда сақлаган. Уларнинг энг каттаси Боғчаҳовуз бўлган. Ҳовузни Анушахон кавлатган. Унинг атрофи боғ бўлгани учун Боғча ҳовуз аталган. Ҳозир ҳовуз таъмирланиб, ажойиб латофат кашф этган.

... Карвоннинг азиз йўловчилари орасида ота-боболаримиз, инсофли юрт эгалари, қўли гул меъморларимиз бор.

... Олис йўллардан карвон келади...

— Нечук сафарга бел боғладингиз, жоруллоҳ? — сўради Беруний.

— Бормоғим шартдир, Хиванинг тўйи ахир, тақсирим. — Замахшарий ўзини чўккан туя устига олди. — Ўзларичи?

— Сизга йўлдошмиз, — деди ибн Сино ҳам. — Ҳали йўлдан қўшиладиган алломаи замонлар бисёрдир. Табиб тўғри айтган экан. Сал юрмаёқ ал-Хоразмий ҳам сафга қўшилди. Бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд алломалар гурунгига монанд туялар аста одимлади.

— Ҳамадоний ҳазрат бормилар? — сўради шайх Нажмиддин Кубро.

— Шу ердаман, ҳазратим. — Овоз берди Юсуф ҳазратлари... Нечук қўлга найзалар олибсиз?

— Майдони ҳарбдан келяпман. — Кубро қўлларини кўксига қовуштирди. — Ёғий кўп озор берди Хивомизға. — Хиванинг бошига кўп босқинлар тушган мавлоно. — Мунис ўйчан тарихни варақлади. — Ўтган юз йилликда Хива батамом вайрон қилинган. Улар бир мазгил юрганларида ажойиб мусиқа янгради. Ноғоралар тарақлаб, болобомлар унга жўр бўлди.

— Хончиқар, — деди Огаҳий. — Муҳаммад Раҳимхон ҳазратлари карвонга қўшилмоқ истагидалар. — Ул зотнинг ажиб машқлари бор. Феруз номида ғазаллар битадилар, — деди Баёний.

Алломалар орасида шов-шувлар кучайди. Ғазалнавис шоҳ от ўйнатиб етиб келди. Даврага қўшилди. Торлар янг-



ради. Дилбар қўшиқлар садо берди. Ҳофизнинг ширали овози барчани мафтун этди.

... Алломалар карвоннинг энг улуғ йўловчилари бўлишди.

... Олис йўллардан карвон келади...

Хива сафари чоғида Оллоберган Пўлат ўғли мени Паҳлавон Маҳмуд мақбараси томон бошлади. Унинг мармар



### ХИВА

*Бугун қалблар очиқ дастурхон,*
*Бугун келди таъзимга осмон.*
*Бугун Хива кутади меҳмон,*
*Юр, Хивага юргил, жўражон.*

*Икки ярим аср ёши бор,*
*Ҳар бири тўтиё тоши бор.*
*Бодияда нону оши бор,*
*Юр, Хивага юргил, жўражон.*

*Сув тутади Амудай наҳри,*
*Қутлуғ ота-боболар шаҳри,*
*Кўчасин кез, очилур баҳринг,*
*Юр, Хивага юргил, жўражон.*

*Таъзимдадир бугун меъморлар,*
*Қорақошли гўзал дилдорлар,*
*Пойқадаминг кутар минорлар,*
*Юр, Хивага юргил,*
*жўражон.*

*Она шаҳрим, тўй*
*қутлуғ дегил,*
*Дилим шаънга*
*лиқ тўлиқ дегил.*
*Сендан шаҳар*
*йўқ улуғ дегил,*
*Юр, Хивага юргил, жўражон.*

*Юр жўражон, катта*
*тўй бугун,*
*Ўзга ишни, жўра, қўй бугун.*
*Жамолига боқиб тўй бугун,*
*Юр, Хивага юргил, жўражон.*

*Тарихларинг даво бўлгуси,*
*Ҳасад юзи қаро бўлгуси,*
*Ҳар қадаминг наво бўлгуси,*
*Юр, Хивага юргил, жўражон.*

билан ўроланган ҳовлисига қадам қўйганимизда баданим жимирлаб кетди. Бир дона рубоийсини ўқимаган бўлсам, унинг кимлигини тўла билмасам, шу улуғ хотирагоҳга қадам қўйишга ҳаққим борми? Тўхтаб қолганимни кўриб Оллоберган Пўлат ўғли савол назари билан боқди.

-- Юраберинг.

— Юраберинг.

Юрабердик. Бу нақшлар, бу ранглар, бу кошинлар — таърифи минг жаҳон. Уни фақат кўриш керак, кўриш керагу шукур қилиш керак...

Бугун Паҳлавон Маҳмуд мақбараси энг қутлуғ зиёратгоҳ Хивада. Келин-куёвлар елкаси ер искамаган паҳлавоннинг хотирасини ёд этадилар.

... Карвоннинг от ўйнатган йўловчиси Паҳлавон Маҳмуд...

... Олис йўллардан карвон келади.

Бола қудуққа қаради.

— Нимани кўраяпсан?

— Сув, сув кўринди, бова...

— Яхшилаб қара...

Бола яна қудуққа энгашди,

— Юлдуз, юлдузларни қаранг...

— Яхшилаб қара, ўғлон...

Бола яна қудуққа тикилди.

— Бова бир талай одам. Олдинда туями-ей...

— Эҳ, болам-а карвон яқинлаб қолибдику. Югур, йўлга чоп, йўлга.

... Ёқут Ҳамавий ёзади: «Дунёдаги ҳеч бир ўлкада Хоразмдагидек ахлоқи яхшироқ, олижаноброқ ва мусофирпарварроқ элни кўрмадим». Ибн Арабшоҳ эса лутф қилди: «Хоразмликлар ҳам латофатда Самарқанд аҳли каби бўлиб, мусиқа ва ашулада ғоятда юксак маҳорат қозонганлар. Бу борада улардан барча халойиқ хосу авом иштирок этади». Африканинг Чад республикасида яшовчи, «Буюк ипак йўли» халқаро экспедицияси аъзоси бўлган олим Ҳусайн Умар Утман: «Хиванинг ўзгача, бетакрор обидалари ҳақида кўплаб эшитганман, ўқиганман. Ўқиш, эшитиш бошқа экан. Кўҳна Хивага келиб кўрдимки, бу обидалар нақадар ноёб, инсон ақл-заковати билан вужудга келганиға иймон келтирдим» деб тан беради. Афғонистонлик олим Шермуҳаммад Холорнинг эътирофи эса қалбингизга туғён солади: «... Хива, Бухоро, Самарқанд сингари шаҳарлар биз учун Маккаи Мукаррамадек азиз».

Бу каби сўзларни Хивага ташриф буюрган ҳар бир киши айтади. Ҳар тилда, турли миллат кишилари айтса ҳам мазмуни битта: ҳайрат. Ҳайратни эса таржима қилиб бўладими?

Икки ярим асрлик йўлдан бизга сари йилларнинг, йўлларнинг орзу-армонларини ортиб улуғ карвон келди. Бу карвоннинг боши қутлуғ тарих! Мезбони эса музаффар байроғи ҳилпираб турган озод юртимизнинг бир гултожи Хоразм, бир ўлмас чўли Хива!

Олам бугун Хивага нигоҳ қадаган. Чирой очган Ичан қалъа, Дишан қалъа яна ҳайратга макон. Бугун тўрт улуғ дарвоза ланг очилган. Марҳабо азизлар!

... Карвон яқин келиб қолди чоғи, қўнғироқ овози элас-элас қулоқларга чалинди.

— Бова, — деди бола, — илдамланг!

— Сен ёшсан, ёш Хивасан. Югур, ўз тарихингни, ота-боболарингнинг муқаддас руҳипокини кутиб ол.

Карвон қўнғироқлари тобора баландроқ жаранглади.

— Осмондан тушган нурафшон юлдуз — Хиванинг 2500 йиллик тўйи муборак бўлсин! Дунё талпинади сенга бугун Хоразм. Сенга талпинамиз бугун сенга, муаззам шаҳримиз Хива! Қалб туғёним билан ёзган сатрларим ва «Хива» шеъримни сенга тўёна қилдим.

*Темур УБАЙДУЛЛО.*






***Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг бир гуруҳ актёрлари ўзларининг «Чимилдиқ» спектакли билан Миср Араб Республикасида бўлиб қайтишди. Ушбу томошанинг муаллифи Эркин Хушвақтов билан сафар таассуротлари ҳақида суҳбатлашдик.***

**— Эркин ака, «Чимилдиқ» спектаклининг Ўзбекистондаги муваффақиятидан хабаримиз бор. Асарнинг Мисрдаги намойиши ҳақида гапирсангиз.**

— Халқимиз ўзининг улуғ меросини, урф-одатини, қадриятларини юракдан севади, ҳурмат қилади, қадрлайди. «Чимилдиқ» асарининг муваффақияти ҳам ана шунда, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги томонидан Миср Араб Республикасига қилинган таклиф асар қадри қимматини янада ошириб юборди. У биргина Ўзбекистонда эмас, мисрликларга ҳам муқаддаслик ҳадя этиб қайтди. Муваффақиятга келсак, томошамиз давомида зал тўла одамлар қарсагидан бошимиз осмонга етди. Биз асосан Қоҳира байналмилал тажриба театрларининг фестивалида меҳмон сифатида иштирок этдик. 40 га яқин мамлакатнинг турли жанридаги театр жамоалари иштирокидаги бу фестиваль ҳар биримизда катта таассурот қолдирди. Биз Нил дарёси бўйида жойлашган очиқ залли «Алайм» театрида 2 кун ўз спектаклимизни намойиш этдик. У ердаги имкониятлар, театр залининг очиқ усулдалиги ҳаракатимизни эркин бажаришга ёрдам берди. Айниқса, театр ёнида жойлашган «Султон Айюб» мачити томон қилинган «келин салом» барча мисрликларнинг олқиши-ю ҳурматига сазовор бўлди. Томошабинлар орасида Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчиси Шамсиддин Бобохонов билан биргаликда яна тўрт мамлакатнинг элчилари борлиги бизни янада илҳомлантирди. Элчимизнинг ёрдами билан спектаклдан олдин унинг мазмуни, матни араб ва инглиз тилларида томошабинларга тарқатилди. Шу боис спектаклни мисрликлар мазмундан келиб чиқиб актёрлар маҳоратию, саҳнадаги миллий безакларгача ўзига хос ҳайратомузлик билан томоша қилдилар. Улар, айниқса, Момо ролини ижро этган Дилбар Икромованинг ҳамда келин — Мадина Мухторова ва келиннинг янгаси Саида Раметоваларнинг истеъдодларига таҳсинлар айтишди.

**— Эркин ака, сиз асар муаллифи сифатида иштирок этгансиз. У ерда асарга бирорта ўзгартириш киритилдими?**

— Мен у ерда фақатгина муаллиф сифатида эмас, балки пьесадаги куёвнинг амакиси ҳамда ёритувчи вазифаларини ҳам бажардим. Спектаклга келсак, ҳеч қандай ўзгартириш киритмадик. Тўғри, Мисрда томошалар асосан 45—60 дақиқага мўлжалланган бўларкан. Бироқ бизнинг икки соатлик томошамизни ҳам улар мароқ билан томоша қилдилар. Фестивалда иштирок этаётган Латвия телевидениеси чиқишларимизни ёзиб олди, театримиз ходимлари билан интервьюлар уюштирди. Спектакль ҳақида Миср матбуотида ёритиб турди. Қоҳира университетининг ўқитувчи ва талабалари ҳам иккинчи кун томошаларимизга ташриф буюришди. Буларнинг бари миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг жаҳон халқлари томонидан эътироф этилишидир.

**— Умуман бу сафар таассуротларингиз қандай?**

— Мисрдаги Фиръавн эҳроми олдидаги ярми одам, ярим шер ҳайкали ва эҳром ичидаги Фиръавн тош тобути билан бизни ҳайратга солди. Қоҳирадаги «Муҳаммад Али» масжидини зиёрат қилдик. Шу лаҳзаларда тасаввуф ҳақида яна бир асар ёзишга ният қилдим.

**— Ҳозир қандай асар устида иш олиб боряпсиз?**

— «Қаллиқ ўйини» номли асарим устида иш олиб оряпман. Яқинда «Мен ҳам фаришта эмасман» номли телевизион сценарий ёзиб, ойнаи жаҳон таҳририятига тақдим этдим.

*Фотима ЖУМАЕВА суҳбатлашди.*

*Санъат*

# «ЧИМИЛДИҚ» МИСРДА КЎРСАТИЛДИ

*Таомнома*

# ШИРЧОЙ

Пойтахтимизнинг «Бекобод» маҳалласида Баҳри хола деган аёл яшардилар. Бир асрга яқин умр кўрган бу онахоннинг дардга чалинганларини ҳеч ким эслолмайди. Холани эсимни таниганимдан буён биламан. Покизаликни хуш кўрардилар. Ишчан, саранжом-саришталикларини ким бўлсин мақтарди.

Баҳри хола ҳар гапларининг бирида «Ширчойда гап кўп, у фойдали, умрни узайтиради. Шамаларини ташлаб юборманглар», дердилар. Чой дамлардилару бирор идишда ёки жойдами, шамани кўрмасдик, кейин билсак, шама ҳам таом экан. «Буни ейишдан, чойи билан хўплаб юборишдан қўрқманглар, ҳазм бўлмаган овқатларни, эритиб юборади. Ошқозоннинг яллиғланиши ва яра бўлишидан сақлайди, дердилар.

Уйларида сигирдан тортиб, эчки, қўй, товуққача бўларди. Бир чеккада сўри, унинг тагида супа бўлиб, қатор илинган чамбаракларда сопол косалар тўла сутлар осиғлиқ турарди. Шамаларни ҳам бир идишга авайлаб йиғиб юрарканлар. Наҳорда янги соғилган сигир сутини қозонда пишириб, унга ҳалиги шамаларни солардилар. Меъёрида туз қўшиб қайнатиб, косаларга сузардилар. Сўнг оз-оздан сариёғ қўшиб, унга нон тўғраб, иссиғида ичишни уқтирардилар. Сутнинг мазаси шамаларга ўтиб, иштаҳани очади, кишига яхши кайфият беради. Бу ичимликнинг номи ширчой дейилади.

Баҳри хола ширчой билан бир неча хасталикни, айниқса, дармони қуриб бўлган одамларни даволаганлар. Киши болаликдан ширчой ичишга, шифобахш гиёҳлардан бири ҳисобланган чой шамаларини исроф қилмай, чой билан бирга ичиб юборишга одатланса, турли хил дардга чалинмаслиги ҳақида гапирардилар.

Халқимиз пазандалари гапларига қараганда, чой, чала «чиқиб», хомчойлигича қолса, бироз хавфли, юракни хаприқтиради. Шунинг учун чой дамлаганда қадимий урф-одатларимизга амал қилиб, чойнакни қайноқ тутган маъқул. Ширчой учун хом шамами, пишган шамами фарқи йўқ. Сутга аралашиб чой мазаси чиқаверади. Айниқса, грузин чой шамаси ширчойлар учун ниҳоятда ёқимлидир. Уни ейиқ (айниқса кўк чой) барглари етилиб пишганда мазали таом ўрнини босади.

*Маҳмуд АҲМЕДОВ.*

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

